



## THE ROLE OF THE PRESS IN EDUCATING THE PERSONNEL OF UZBEKISTAN'S BORDER TROOPS IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM

**Shaimardanov Razzak Nuralievich**

Head of the Department at the Republic of Spirituality and Enlightenment Center, Retired Lieutenant Colonel  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15099361>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>rd</sup> March 2025  
Accepted: 27<sup>th</sup> March 2025  
Online: 28<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Defender of the homeland, border, press, patriotism, ideology, ethics, spirituality, enlightenment, military-administrative sectors, national pride.

### ABSTRACT

*This article explores the role of the press in fostering patriotism among the military personnel of Uzbekistan's Border Troops during the years of independence. It delves into how the press contributes to cultivating loyalty to the homeland, courage, valor, perseverance, and other noble qualities. Additionally, the article examines the military-patriotic ideology, socio-political, spiritual, educational, and philosophical dimensions of patriotism, highlighting the state significance of this educational effort and its moral and ethical foundations.*

## РОЛЬ ПРЕССЫ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ ЛИЧНОГО СОСТАВА ПОГРАНИЧНЫХ ВОЙСК В УЗБЕКИСТАНЕ

**Шаймарданов Раззак Нуралиевич**

Начальник отдела Республиканского центра духовности и просветительства, подполковник в отставке

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15099361>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>rd</sup> March 2025  
Accepted: 27<sup>th</sup> March 2025  
Online: 28<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Защитник Отечества, границы, печати, патриотизма, идеологии, морали, духовности, просвещения, военно-административной сферы, национальной гордости.

### ABSTRACT

*В данной статье раскрывается роль прессы в формировании патриотизма, верности Родине, мужества, отваги, отваги и других чувств воинов пограничных войск Узбекистана в годы независимости. Также показаны идеи военного патриотизма, общественно-политические, духовно-просветительские, философские аспекты, морально-этические основы воспитания «патриотизма» государственного значения.*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МАТБУОТНИНГ РОЛИ

**Шаймарданов Раззоқ Нуралиевич**

Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, истеъфодаги подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15099361>

### ARTICLE INFO

### ABSTRACT



Received: 23<sup>rd</sup> March 2025  
Accepted: 27<sup>th</sup> March 2025  
Online: 28<sup>th</sup> March 2025

**KEYWORDS**

*Ватан ҳимоячиси, чегара, матбуот, ватанпарварлик, мафкура, одоб-ахлоқ, маънавият, маърифат, ҳарбий-маъмурий секторлар, миллий ғурур.*

*Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватанга садоқат, жасорат, шижоат, мардлик ва бошқа туйғуларни шакллантиришдаги матбуотнинг роли очиб берилади. Шунингдек, ҳарбий ватанпарварлик ғоялари, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий жиҳатлари, “ватанпарварлик” тарбиясининг давлат аҳамиятига молик маънавий-ахлоқий асоси экани кўрсатиб ўтилади.*

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, “миллий онг”, “миллий ғурур” тушунчаларини сингдириш учун улар маънавий жиҳатдан соғлом бўлишлари зарур экан, маънавий соғломлик эса, жисмоний ва руҳий соғломлик билан чамбарчас боғлиқдир. Академик Акмал Саидов мафкурага сифат берар экан: “Ватанпарварлик мафкураси она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш ва равнақи ҳақидаги ғоялар мажмуидир”, деб таъкидлайди ва мафкура номини “Ватанпарварлик мафкураси” дея атайди [1].

“Миллий мафкура”, “миллий истиқлол мафкураси”, “миллий тараққиёт мафкураси”, “эзгулик мафкураси”, “ватанпарварлик мафкураси” номлари билан мунозарага сабаб бўлган миллий мафкура ўз табиати ва руҳиятига кўра мутлақ миллийдир. Тарихий тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай миллий ҳудудда мавжуд бўлган мафкура мазмунидаги ғоялар, энг аввало, ўша халқнинг манфаатларидан келиб чиқади ва такомиллашади.

Тарихимизда биринчи марта, ўз моҳиятига кўра, ноёб тизим – ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз муҳофаза қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. Энг муҳими, у “Армия ва халқ – бир тану бир жондир”, деган ҳал қилувчи тамойилни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда[2].

Ватан остонадан бошланади, дейди доно халқимиз. Давлат чегараси мамлакатнинг остонаси, махсус назорат ўтказиш масканлари эса давлатимизнинг дарвозаси ҳисобланади. Уни кўз қорачиғидек асраш, қўриқлаш чегарачилар зиммасидаги ғоят масъулиятли ва шарафли бурчдир.

Ўзбекистон – Афғонистон Ислом Республикаси, Тожикистон, Туркманис-тон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари билан чегарадош. Унинг майдони – 448,9 минг кв.км, Давлат чегараларининг узунлиги эса, 7 минг километрдан зиёд. Тоғу тошлар, дарё-кўллар, дашту далалардан иборат бундай улкан масофадаги чегара ҳудудларини чегарачиларимиз туну кун қўриқлаб, юртимиз осойишталигини таъминлайди. Чегара сўзининг синонимлари сарҳад, ҳад дейилади. Сарҳад – бош, яъни катта чегара, ҳад эса чегара деганидир. Халқимизда “ҳаддингдан ошма!” деган ибора бор. Бу сўзни Сиз ҳам эшитгансиз. Хуллас, ҳаддингдан ошма, “ўзингдан кетма” дегани,



чегарадан чиқма, меъёрни бил, белгиланган қоидаларга риоя қил деганидир (таъкид ўзимизники Ш.Р.).

Ўзбекистон Давлат чегараси – Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасини (қуруқликни, сувни, ер қаърини ва самовий ҳудудни) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида” ги Қонуни билан тартибга солинади[3]. Чегара – давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш воситасидир.

Яхши биламизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида чегаралар хавфсизлигини таъминлаш осон кечмади. Ватан олдидаги ҳарбий бурчига, қасамёдига, халқига ва Президентига содиқ чегарачилар улкан ишларни амалга оширдилар. Улар Ватанимизга суқилиб кирмоқчи бўлган бир гуруҳ ёвуз кучларнинг уриниш-ларига барҳам бердилар. Қўпоровчилик ишларида қўлланиши мўлжалланган гиёҳванд моддалар, ўқ-дорилар, экстремистик руҳдаги адабиётлар ва бошқа воситалар давлат чегараларида тўхтатиб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўртасида ўқув йили якуни бўйича ўтказилган танловда Ўзбекистон Чегара қўшинларининг ҳарбий қисмлари тўрт марта “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг илғор қўшилмаси” деб эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 январдаги Фармонида биноан, Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли Термиз чегара райони Ватанимизнинг юксак мукофоти – Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланди [4].

Ўзбекистон Чегара қўшинлари зиммасига диверсион-террористик гуруҳлар ва қўпоровчи элементларнинг чегарани бузиб ўтишига йўл қўймаслик, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар контрабандасининг олдини олиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоялаш вазифалари юклатилган. Асосий эътибор давлат чегаралари орқали гиёҳванд моддаларнинг олиб ўтилишини тўхтатишга қаратилган эди. 1992 йилнинг ўзида Ўзбекистон Чегара қўшинлари томонидан бир ярим тонна миқдорида гиёҳванд моддалар ушлаб қолинган [5]. Бу борада ҳарбий хизматчиларнинг фидокорлиги кўп марта намоён бўлган.

Илмий жиҳатдан қараганда, чегараолди ҳудудларида хизмат олиб бораётган чегара постлари ўзига хос кун тартиби, яшаш тарзи ва анъаналарига эгадир. Чегарачилар бирор сония ҳам ҳушёрликни унутмайдилар. Уларнинг ортида оналарию, ёру биродарлари борлигини, Ватан кенгликларида кечаётган осуда ҳаёт чегарадан бошланишини улар яхши биладилар. Чунки бир неча метр масофадан сўнг давлат ҳудуди бошланади. Худди шу ерда, давлат чегарасида кечагина мактабни битирган сара йигитлар жиддий синовдан ўтадилар. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи дунё ва минтақадаги кескин ва мураккаб вазият қўшинларнинг энг замонавий қурол-яроғ ҳамда жанговар техника, юқори аниқликка эга бўлган қуроллар, бошқарув ва алоқанинг электрон ҳамда компьютер тизимлари, энг янги самолёт ҳамда вертолётлар, учувчисиз учиш воситалари билан таъминланиш даражасини янада яхшилаш, бошқарув орган-лари ва қўшинларнинг кундалик ҳаётига замонавий ахборот-



коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва шу асосда қисм ва бўлинмаларнинг жанговар қобилиятини тубдан оширишни талаб этмоқда. Бу вазифа мувафақ-қиятли бажарилмоқда ва ҳарбий кадрлардан шахсий таркибнинг тайёргарлик тизими, офицер ҳамда сержантларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини янада яхшилашни талаб этмоқда. Ҳарбий таълим ва жанговар тайёргарлик сифатининг янги босқичга чиқиши Қуроли Кучларимиз, жумладан, ДХХ Чегара қўшинлари жанговар салоҳиятини янада оширишнинг энг муҳим шартидир.

Миллий мустақиллик даври матбуоти турли йўналишдаги асарларни эълон қилиш баробарида миллий анъаналарни тиклаш, уларни ҳозирги замон эҳтиёжлари даражасида ташвиқ қилиш ишларини олиб борди. Бу ўринда “Ўзбекистон армияси”, “Ёшлик” журналлари, “Халқ сўзи”, “Миллий тикланиш”, “Жаҳон адабиёти”, “Янги Ўзбекистон”, “Жадид” ва бошқа газеталарнинг фаолиятини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. “Бағрикенглик намунаси”, “Қуролини бермаган ўғлон”, “Видеоэлектрон журнал” [6], “Ташаббус самараси”, “Аскарларни жанга тайёрлаш” ва бошқа ўқув-ҳужжатли фильмларида чегара қўшинларида олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий анъаналар, чегарачиларнинг ютуқ ва камчиликлари, уларнинг тарихи, кечмиши ва бугуни ҳақида фикр юритилади. “Чегарачи”, “Ватан остонаси” журналлари, шунингдек, “Ҳамроҳ”, “Sarhad” ахборотномалари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси муассислигида чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли қарори барча тоифадаги тарғибот гуруҳлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Худудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбида маънавий фазилатларни юксалтириш, оила ва маҳаллаларда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат раҳбари ташаббуси билан барча туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат маскан-лари ташкил этилмоқда. Бу эса, худудларда янги замонавий, кўркам ва қулай маънавият масканларининг очилишига имкон яратмоқда. Маънавият ва маърифат масканларини барпо этишнинг манзилли рўйхати тасдиқланган. Масканлар бирин-кетин қурилиб, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиши учун фойдаланишга топширилмоқда. Тошкент вилояти Чиноз тумани, Қашқадарё вилояти Китоб тумани, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани, Бухоро вилояти Олот тумани, Сурхондарё вилояти Термиз тумани ва бошқа худудларда ана шундай масканлар тантанали равишда очилди. Янги “Маънавият маскани” биноларининг фойдаланишга топширилиши давом этмоқда.

2021 йилдан бошлаб, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш мақсадида вазирлик ва идоралар ҳамда туман ва шаҳарлар ўртасида анъанавий тарзда, “Энг намунали вазирлик ва идора” ҳамда “Энг намунали туман ва шаҳар” республика кўрик-танловини ўтказиш йўлга қўйилди. Алоҳида эътироф этиш керакки, мазкур танловда иштирок этиш учун ўтган ўқув йилида 21 та вазирлик ва идоралар томонидан аризалар топширилди. Худудий Маънавият ва маърифат кенгашлари томонидан 5 та шаҳар ва 9 та туман тавсия қилинди.



Давлат раҳбари ташаббуси асосида “Сурхондарё тажрибаси” мисолида мамлакатимизда илк маротаба Маънавият сектори ташкил этилди. Ушбу сектор, 4 та секторга қўшимча равишда, ижро ҳокимиятининг коллегиал органи ҳамда ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашларининг ишчи тузилмаси сифатида фаолият кўрсатиши белгиланди.

Тарбия инсонга индивидуал ҳамда ижтимоий онгли ва онгсиз таъсирларнинг йиғиндисини мужассамлаштиради, якка кишига, маълум бир жамоага, халқ ёки миллатга қаратилган бўлиб, давлат ва жамият қурилиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ОАВ, радио-телевидение, ижтимоий тармоқлар орқали тарбияга кучли таъсири ўтказиш мумкин. Оилавий ёки ижтимоий тарбияда ота-оналар билан бирга, кайвони момо-боболарнинг тарбиявий таъсири катта.

Командирлар, чегара пости бошлиқлари нафақат ҳарбий раҳбар, балки ўз қўл остидагиларининг тарбиячиси ҳамдир. Бошлиқнинг бу хусусияти Қуролли Кучлар низомларида, аввало, Ички Низомида мужассамлашган. Командирлар ва бошлиқлар ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама тайёрланган, замонавий жанг сир-асрорларини, янги қурол ва жанговар техникани чуқур биладиган, ўзида маънавий-ахлоқий сифатларни мужассамлаштирган, ҳарбий илмнинг, педагогика ва психологиянинг замонавий ютуқларига таянадиган мураббий ва тарбиячилардир.

Ҳарбий хизматчиларда, ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, миллий кадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларни баҳолашда, албатта, ҳар бир шахснинг ўз қарашлари, кадриятлар тизими муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий тармоқлар фуқаролик жамиятининг анъанавий шакллари нафақат ўзгартиряпти, балки яқин келажакдаги янгича кўринишини ўзида намоён этмоқда. Шу тариқа, ҳарбийлар, хусусан, ёшлар онгига ва маънавиятига таъсир кўрсатишнинг қудратли ахборот-сиёсий воситасига айланмоқда. Шу жиҳатдан, бугунги кунда ахборот технологиялари инсон фаолиятининг барча соҳаларига татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда ёшларнинг интернетдан, ижтимоий тармоқлардан ҳимоясиз фойдаланаётгани афсуски, ташвишлидир. Жаҳон ахборот тармоғида ёшларни доимий иштирок этиши, ота-оналар назорати йўқлиги, болаларнинг ахборот маданиятини билмаслиги аксарият ҳолатларда уларнинг Интернетга қарам бўлиб қолишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Чегара қўшинлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда қуйидагиларга аҳамият қаратиш зарур:

- ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳияти-ни юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий кадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсиз-лигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш;

- ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли



муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойиликни ошириш;

- ёшлар орасида диний ва мутаасиблик ғоялари тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус қўлланма, дастурлар яратиш, шунингдек, “йўл харитаси” асосида республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида илмий-маърифий, маданий-кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш, ОАВ, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарғибот ва аксилтарғибот материаллари тизимли ёритиб борилишини таъминлаш;

- ахборот-мафкуравий тарғибот ишларини жадаллаштириш, Ўзбекистон Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ДХХ ДЧХҚҚ муассислигида чоп этилаётган матбуот нашрлари, ўқув, ҳужжатли фильмларининг давомийлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун замонавий билимлар билан янада бойитадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари фаолиятида ватанпарварлик тарбияси билан шуғулланишни жадаллаштириш лозим. Ҳозирги кунларда ахборот маконида ахборот олишнинг анъанавий каналлари интернетдаги назоратсиз манбаларга ўрнини бўшатиб бермоқда. Маълум бир замонавий усул ва услублар йўқ. Интернет тармоқлари орқали мафкуравий таҳдидлар ошкора ва пинҳона намоён бўлмоқда. Порнографик, сохта ахборотлар (дезинформация) ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги, ўз мақсадларини террористик йўл билан амалга оширишни одат қилиб олган ёвуз кучларнинг манфаатларига ҳам хизмат қилади.

“Ватан ҳимоячиси” деганда киши кўз ўнгида эгнидаги ҳарбий либоси ўзига ярашган, туғилган юртини ва оқ сут бериб вояга етказган ота-онасини, ўз халқини жондан севувчи, ҳарбий билим сирларини мукаммал эгаллаган, мард ва жасур ўғлонлар намоён бўлади. Шундай Ватан ўғлонларини Чегара қўшинлари сафида кўплаб учратиш мумкин. Мен ҳам нафақага чиқсам-да улар билан бир сафда эканлигимдан ғурурланаман. Улар “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Ватан остонадан бошланади”, “Армия – ҳаёт мактаби”, “Шу азиз Ватан барчамизники” деган ибратли сўзларнинг моҳиятини чуқур ҳис этган ҳолда ўз бурчларини сидқидилдан ўташмоқда. Зеро, халқ ишончи ҳар бир ҳарбий хизматчининг зиммасига улкан масъулият, жавобгарликни юклайди.

Оилада ўғил фарзандлар туғилса, “тинчлигимиз посбонлари, Ватанимиз ҳимоячилари, оталарнинг давомчилари, юртимизнинг қўрғонлари туғилди”, деб таърифланади. Давлат сарҳадларини кўриқлаш ва уни ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш, Ватаннинг ҳар бир қарич ерини муқаддас ва азиз билиб, уни қадрлаш, севиб ардоқлаш ҳар бир инсоннинг ҳаёт мазмуни ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, глобал интернет тармоғи орқали тарқатилаётган бузғунчи ғоялар, ғаразли ахборотлар [7], одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи “жозибадор” тасвирлар ва медиа маҳсулотлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган ишларнинг натижадорлиги сезилмаяпти. Шу сабабли биз мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини



яратиб, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришимиз керак.

### References:

1. Усмонов М. Мафкура муваққат бўлмади // Ўзбекистон овози. 1993 йил 12 июнь.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. -Тошкент.: "O'zbekiston", 2022.- Б. 378.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида" ги ЎРҚ-868 сон. Қонуни 2023 йил 13 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи, 2006 йил 14 январь № 9 (3808).
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига 25 йил. - Тошкент.: "Sharq" нашриёти, 2017. - Б.43.
6. Видеоэлектрон журнал. Ўқув фильм., 2010 йил.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. - Т.: "O'zbekiston" нашриёти, 2023. – Б. 267.